



**ЎТКИР РЕСПИРАТОР КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН ТЕЗ-ТЕЗ
КАСАЛЛАНУВЧИ МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ИММУН
ТАНҚИСЛИКНИНГ ЧУҚУРЛИК ДАРАЖАСИ ВА
ИММУНОКОРРЕКЦИЯИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

Шарипова С.М.

ТТА Урганч филиали Педиатрия ва неонатология кафедраси

Долзарблиги: Ўткир респиратор касалликлар билан касалланган бемор болаларнинг иммун ҳолатини баҳолашни етарлича амалга ошириш мақсадида, иммун тизимидаги етишмовчиликка етарли даражада баҳо бериш учун иммунодефицитларнинг чуқурлилик даражасини белгиловчи кўрсаткич –ИДИ (иммундефицит индекси) ва ҳар хил иммун тизим фаолиятини тикловчи дори воситаларнинг иммун тизимга таъсир самарадорлигини ўрганувчи кўрсаткич иммуномодуляция индекслари (ИМИ) ўрганилди.

Материал ва услублар: Олинган натижаларга асосан ўткир респиратор касалликлар билан тез-тез касалланувчи мактаб ёшидаги болаларда болаларда чуқур иммунодефицит борлигини аниқладик. ИДИ барча гуруҳларда 1,23+0,06 дан 1,28+0,08гача пасайгани эътироф этилди.

Даволаш тадбирларига иммунокорректорлар киритилганда ИДИнинг соғлом болалар кўрсаткичларидан ошганини кузатдик, аммо бу кўрсаткич меъёр даражасига (ИДИ-2 бирлик) етмади. Биз буни кузатув даврининг қисқа муддатли эканлиги билан изоҳлаймиз, зеро иммуномодуляторлар таъсирида иммун тизим фаолиятининг тикланиши дарҳол эмас, балки аста-секин юзага келади. ИДИ ёрдамида нафақат ишонарли иммунодефицит борлиги, балки унинг динамикада ўзгаришларини ҳам кузатиш мумкин. (1-жадвал)

1-жадвал

Ўткир респиратор касалликлар билан тез-тез касалланувчи мактаб ёшидаги болаларнинг даволашгача ва даволашдан кейинги иммун ҳолат кўрсаткичларининг динамикаси.

№	Текширув гуруҳлари	ИДИ	ИМИ
1	Элеутерококк+прополис билан даволаш	1,48+0,06	15,0+1,0
		1,68+0,05	
2	Иммуномодулин билан даволаш	1,44+0,08	15,0+2,2
		1,57+0,09	
3	Иммунал+прополис билан даволаш	1,43+0,06	23+1,0
		1,66+0,09	



4	Соғлом болалар	1,74+0,05	-
---	----------------	-----------	---

Иммуномодуляция индексини кўрсаткичидан ўтказилган даво тадбирларнинг самарадорлигини аниқладик, агар элеутерококк+прополис билан даволанганда 15,0 бирликни ташкил этган бўлса, унинг энг юқори миқдори даволаш тадбирига иммунал ва прополис қўшилганда кузатилди (23 бирлик).

Шундай қилиб, ИДИ ва ИМИ ёрдамида ўткир респиратор касалликлар билан касалланган болалар иммун тизими фаолиятининг етишмовчилик даражаси ҳамда ўтказилган турли даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигига баҳо берилди.

Хулоса: Мавсумий даврларда ўткир респиратор касалликларни олдини олиш учун иммунал ва прополис препаратларини кенг қўллаш мақсадга мувофиқ ва амбулатория ва стационар шароитида тез-тез касалланувчи мактаб ёшидаги болаларда даволашдан олдин ва даволашдан кейин ИДИ ва ИМИ прогностик аҳамиятга эгадир.